O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
QIZIRIQ TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
КИЗИРИКСКОГО РАЙОНА

190551, Qiziriq tumani, Ibn Sino ko'chasi 13-uy, tel.: 0(376) 35-91-159, fax: 0(376) 35-91-575

2020 yil "_23_" _Апрель_ Қ -622- sonli

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдикланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш" Қоидаларининг 118-банди ва "Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар оркали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш максадида,

КАРОР КИЛАМАН:

1. Марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктлар аҳолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб берилсин.

2. Сурхондарё вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонаси Қизирик туман филиали марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктларга махсус автотранспорт ёрдамида ичимлик сувини етказиб берувчи масъул ташкилот килиб белгилансин.

2. Сурхондарё вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонаси Қизирик туман филиали томонидан туман аҳолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган холда иловага мувофиқ тасдиклансин.

3. Вилоят "Сувокова" давлат унитар корхонаси Қизирик туман филиалига:

ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлик етказиб берилишини;

истеъмолчиларга етказиб берилган тоза ичимлик суви бўйича хисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

4. Туман хокимлиги ахборот матбуоти (А.Бўриев) ва "Тараққиёт" газетаси тахририяти (Ч.Алимов)ларга мазкур норматив ҳуқукий ҳужжатни "Тараққиёт" газетасида чоп этилиши ҳамда туман хокимлигининг расмий веб-сайтига

жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органларига етказилишини ташкиллаштирсин.

5. Ушбу карорнинг бажарилишини назорат килиш туман хокимининг ўринбосари Р.Ишбаев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **О.Б.Мухаммадиев**